

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги  
Юристлар малакасини ошириш маркази

Ш. М. РАБИЕВ  
Р. Р. ШАКУРОВ

**МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК  
ТҮҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ  
ЮРИТИШГА  
ОИД МАСАЛАЛАР ТҮПЛАМИ**

Baktria press  
Тошкент – 2022

## УЎК

Рабиев Ш. М., Шакуров Р. Р. Маъмурий ҳукуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишга оид масалалар тўплами: Ўқув-амалий қўлланма. — Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази, 2022. — 56 б.

**Муаллифлар:** Шакуров Р. Р., юридик фанлари номзоди, доцент,  
Рабиев Ш. М..

Ўқув-амалий қўлланма Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази Ўқув ва илмий-услубий кенгаши мажлисида 2022 йил 21 апрелда муҳокама қилинган ва чоп этишга тавсия этилган (9-сонли баённома).

**Тақризчилар:** Акрамходжаев Б., юридик фанлари номзоди, доцент,  
Вохидов М., юридик фанлар номзоди.

Ўқув-амалий қўлланмада маъмурий ҳукуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишда келиб чикиши мумкин бўлган вазиятлар билан боғлиқ Ўзбекистон Республикаси маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилигини қўллашга оид топшириқлар, назорат саволлари, тест топшириқлари ва амалий масалалар келтирилган.

Олий юридик таълим ўқув муассасалари талабалари ва курсантлари ҳамда юридик соҳага оид малака ошириш таълим муассасалари тингловчилари учун мўлжалланган.

ISBN

© Ш.М.Рабиев, Р.Р.Шакуров, 2022

© Юристлар малакасини ошириш маркази, 2022

© Baktria press, 2022

## КИРИШ

Мутахассисларни тайёрлашда назарий билимларга эгалик қилиш билан бир қаторда уларнинг амалий кўникмага эга бўлиши муҳим ҳисобланади.

Амалий кўникмаларни ҳосил қилишда амалиётда келиб чиқиши мумкин бўлган вазиятларни инобатга олган ҳолда “вазиятли ўқитиш”, “муаммоли вазиятларни ҳал этиш”, “масалаларни (казус) ечиш” каби усувларни қўллаш орқали амалий машғулотларни ўтказиш самарали бўлади. Бу ўз навбатида, давлат ва хусусий сектор корхона, ташкилот ва идораларнинг, амалий кўникмаларга эга бўлган битирувчиларга эҳтиёжларини таъминлашга имкон яратади.

Мазкур ўқув-амалий қўлланмада келтирилган топшириқларни бажариш, хусусан, назорат саволларига жавоб бериш, тест ва амалий масалаларни ечиш орқали маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишда келиб чиқадиган муаммоли вазиятларни ёхуд мураккаб масалаларни тўғри ҳал этишга оид амалий кўникмаларни ривожлантиришга кўмак беради.

Қўлланмада келтирилган назорат саволларига жавоб бериш учун тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини билиш ҳам талаб этилади.

Тест савол ва мазкур саволга оид битта тўғри жавоб ҳамда учта муқобил нотўғри жавобдан ташкил топган бўлиб, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик нормаларининг мазмун-моҳияти ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишга оид амалиётдан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган.

Амалий масалалар маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишга оид тартиб ва қоидаларни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган ёхуд амалиётдан олинган аниқ мисоллар асосида тайёрланган.

Назорат саволларига жавоб бериш, тест топшириқларини ечиш ва амалий масалаларни бажариш учун Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (кейинги ўринларда — МЖТК деб, юритилади), Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг тегишли қарорлари, соҳавий норматив-ҳуқуқий актлар, шунингдек, тўпламнинг якунида келтирилган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва юридик адабиётларга мурожаат қилиш тавсия этилади.

Ушбу ўқув-амалий қўлланма Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси бўлимларига мос тарзда тузилишга эга.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТҮГРИСИДАГИ КОДЕКСИ

## I бўлим. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

**Топшириқ:**

**Кўйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик түгрисидаги кодексининг 1–9-моддалари.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 8 январдаги ЎРҚ-457-сон “Маъмурий тартиб-таомиллар түгрисида”ги қонуни.
3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 30 ноябрдаги 35-сон “Судлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик түгрисидаги ишларни кўришни тартибга солувчи қонунларни қўллашнинг айrim масалалари түгрисида”ги қарори.

**Назорат саволлари:**

1. Қайси норматив-ҳуқуқий актлар маъмурий жавобгарлик түгрисидаги қонун ҳужжатларини ташкил этади?
2. Маъмурий жавобгарлик түгрисидаги қонун ҳужжатларининг вазифаларига нималар киради?
3. Маъмурий жавобгарлик түгрисидаги қонун ҳужжатлари қайси принципларга амал қиласди?
4. Маъмурий жавобгарлик түгрисидаги қонун ҳужжатлари соҳасида Ўзбекистон Республикаси ихтиёрига нималар берилади?
5. Маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда давлат органлари қандай вазифаларни амалга оширадилар?
6. Қонунда маъмурий ҳуқуқбузарлик түгрисидаги ишларни юритиш нимага риоя қилиш асосида олиб борилиши белгиланган?
7. Бланкет хусусиятга эга бўлган моддани қўллашда ҳуқуқбузарликнинг белгиларини аниқлаш учун нима қилиш керак?
8. Қайси маъмурий-ҳуқуқий ҳужжатлар орқага қайтиш кучига эга?

**Тест топшириқлари:**

1. “Маъмурий” сўзи лотин тилида қандай маънони англатади?
  - a) назорат
  - b) кузатув
  - c) пойлаш
  - d) бошқариш
2. Маъмурий ҳуқуқ қайси ижтимоий муносабатларни тартибга солади?
  - a) нафақа билан таъминлаш
  - b) никоҳ тузиш шартлари ва тартиби
  - c) бошқарув муносабатлари
  - d) меҳнатни ҳимоя қилиш
3. Ижтимоий муносабатларни маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш усулларидан бирини аниқланг.
  - a) ҳукм чиқариш
  - b) жазолаш
  - c) назорат қилиш
  - d) бажариш
4. Ижтимоий муносабатларни маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш усулларидан бирини аниқланг.
  - a) тарбиялаш
  - b) бажариш
  - c) жазолаш
  - d) кузатиш
5. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг вазифаларига нима киради?
  - a) инсоният хавфсизлигини кўриқлаш
  - b) жамоат тартибини муҳофаза қилиш
  - c) фуқароларни жиноятдан муҳофаза қилиш
  - d) тинчликни тажовузлардан кўриқлаш
6. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги низолар қандай тартибда кўриб чиқилиши керак?

- a) самарали ва қонуний
  - b) жазо муқаррарлиги таъминланган ҳолда
  - c) ўз вақтида ва объектив
  - d) ҳуқуқбузарга шавқатсизлик тарзда
7. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги қонунчиликнинг принциплардан бирини аниqlанг.
- a) виждон
  - b) амалий тажриба
  - c) қонунийлик
  - d) инсоф
8. Ваколат берилган орган (мансабдор шахс)лар маъмурий таъсир кўрсатиш чораларини қандай доирада қўллаши керак?
- a) вақт доирасида
  - b) ўз ваколатлари доирасида
  - c) жисмоний кучи
  - d) доира белгиланмаган
9. Маъмурий ҳуқуқбузарлик учун таъсир чораларининг қўлланиши нималар билан таъминланади?
- a) прокурор назорати билан
  - b) амалий тажриба билан
  - c) одамгарчиллик жиҳатлари билан
  - d) ваколатли орган (мансабдор шахс) инсофи билан
10. Қайси маъмурий-ҳуқуқий ҳужжатлар орқага қайтиш кучига эга бўлмайди?
- a) жазони бекор қилувчи
  - b) жавобгарликни кучайтирувчи
  - c) жавобгарликни енгиллаштирувчи
  - d) жавобгарликни бекор қилувчи

## **Амалий масалалар:**

### **1-масала**

Ўзбекистон байроби остидаги мамлакатимиз ҳудудидан ташқарида очиқ ҳаво бўшлигида бўлган ҳаво кемасида хорижий давлат фуқароси З. маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этди.

**Савол:** хорижий давлат фуқароси З. қайси давлат қонунчилиги бўйича маъмурий жавобгарликка тортилади?

Жавобингизни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўгрисидаги кодексига мувофиқ асослаб беринг.

### **2-масала**

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига фуқаролар мурожаат этиб, маҳаллада маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига олиб келувчи сабаб ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш бўйича тарбия йўналишларида ёшлар орасида тадбирларни амалга оширишни сўрашди. Бундай вазифалар унга юклатилмаганлигини айтиб, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи Раиси маҳалла фуқаролари илтимосларини рад этди.

**Савол:** Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи Раисининг ҳаракатлари тўғрими?

Жавобингизни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўгрисидаги кодексига мувофиқ асослаб беринг.

### **3-масала**

Ёзувчилар уюшмаси жамоат бирлашмаси Раиси томонидан, муаллифлик ҳуқуқларини маъмурий ҳуқуқбузарликлардан ҳимоя қилиш мақсадида бундай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича ёзувчилар орасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя қилиш рухида тарбиялашга йўналтирилган учрашув ўтказиш режалаштирилди.

**Савол:** Ёзувчилар уюшмаси жамоат бирлашмаси Раиси бундай турдаги учрашувларни ўтказишга ҳақлами?

Жавобингизни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўгрисидаги кодексига мувофиқ асослаб беринг.

### **4-масала**

Маҳаллий давлат ҳокимияти органи ҳудудий солиқ инспекция органидан маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги ишлар тўгрисидаги

маълумот сўради. Худудий солиқ инспекция органи раҳбари, маҳаллий давлат ҳокимияти органига бундай маълумот олишга ҳақди эмаслигини таъкидлади.

**Савол:** Солиқ инспекция органи раҳбарининг жавоби асослими?

Жавобингизни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ асослаб беринг.

### **5-масала**

Белгиланмаган жойга майший чиқиндини ташлаган фуқаро Ш.га нисбатан, ҳоким томонидан бир ой давомида маҳаллани тозалаш ишларини амалга ошириш мажбурияти юкланди.

**Савол:** Ҳокимнинг ҳаракатлари қонунийми?

Жавобингизни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ асослаб беринг.

### **6-масала**

Назорат тартибида танишиб чиқиши мақсадида, прокурор ички ишлар органи профилактика инспекторидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш материаларини тақдим этишини сўради.

**Савол:** Прокурор маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш материаларини сўраб олишга ҳақлими?

Жавобингизни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ асослаб беринг.

### **7-масала**

Иш юритиш жараёнида кўриб чиқилаётган маъмурий ҳуқуқбузарликни назарда тутувчи модда Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексдан чиқариб ташланди.

**Савол:** Бу ҳолатда, шахс жавобгарликка тортилиши мумкинми?

Жавобингизни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ асослаб беринг.

### **8-масала**

Ўзбекистон Республикаси аэропортида турган, бошқа давлат байроги остидаги ҳаво кемасида фуқаро Д. томонидан майдада безорилик содир этилди.

**Савол:** Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс қайси давлат қонунига мувофиқ маъмурий жавобгарликка тортилади?

Жавобингизни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ асослаб беринг.

## **II бўлим. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ВА МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК**

### **Топшириқ:**

#### **Қуийдаги норматив-ҳуқуқий хужжатларни ўрганиш:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 10–241<sup>10</sup>-моддалари.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2018 йил 19 майдаги 15-сон “Маъмурий ишларни кўришда биринчи инстанция суди томонидан процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айrim масалалари тўғрисида”ги қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартағи ПҚ-2833-сон “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиб тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори.

### **Назорат саволлари:**

1. Қайси ҳолатда маъмурий ҳуқуқбузарлик қасддан содир этилган деб ҳисобланади?
2. МЖтКга асосан мансабдор шахс деганда кимлар тушунилади?
3. Ҳарбий хизматчилар маъмурий ҳуқуқбузарлик учун қайси ҳолларда интизом уставларига мувофиқ жавобгар бўладилар?
4. Фоторадар орқали йўл ҳаракати қоидалари бузилганда, ҳуқуқбузарлик тақрорий содир этилган деб, қайси ҳолларда ҳисобга олинади?
5. Зарурий мудофаа шартларини санаб ўting.
6. Қонунга мувофиқ, қандай белгиларга эга шахс гайрихуқуқий ҳаракат ёки ҳаракатсизлик содир этган вақтида ақли норасолик ҳолатида бўлган деб ҳисобланади?
7. Қандай шартлар мавжудлигида, қилмиш жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд қўрқитиш ҳолатида содир этилган деб ҳисобланади?

8. Маъмурий ҳуқуқбузарлик учун қандай маъмурий жазо чоралар мавжуд?
9. Вояга етмаган шахсларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлари бўйича қандай чоралар қўлланилади?
10. Маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жарима чораси деганда нима тушунилади?
11. Маъмурий қамоқقا олиш чораси кимларга нисбатан қўлланилиши мумкин эмас?
12. Қонунга асосан, маъмурий жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга нималар киради?
13. Қайси шартлар мавжудлигида енгилроқ маъмурий жазо чораси қўлланилади?
14. Битта шахс икки ёки ундан ортиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган тақдирда, маъмурий жазо қайси тартибда қўлланилади?
15. Давом этаётган ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жазо қўллаш муддати қачондан бошлаб ҳисобланади?
16. Қайси шартнинг мавжудлигида ва муддат ўтгач маъмурий жазога тортилган шахс маъмурий жазога тортилмаган деб ҳисобланади?
17. Туҳмат ва хақорат қилиш билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликлар қандай асосларга кўра фарқланади?
18. Шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳуқуқбузарлиги қандай қилмишларни содир этишда ифодаланади?
19. Эпидемияларга қарши кураш қоидаларини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар содир этган шахслар неча соатдан кўп бўлмаган муддатга ушлаб турилиши мумкин?
20. Қилмишни оз миқдорда талон-торож қилиш деб баҳолашда қайси турдаги мулқдор мол-мулки эгалланади?
21. Устав фондида давлат улуши бўлмаган корхоналарнинг мол-мулкини қасддан нобуд қилинганда айбдор шахсни жавобгарликка тортиш учун нима асос бўлади?
22. Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли қоидаларини бузиш учун маъмурий жавобгарлик шартини аниқланг.
23. Шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликнинг объектив томонини ёритинг.
24. Юк ташиш, шатакка олиш қоидаларини бузишда маъмурий ҳуқуқбузарликнинг субъекти кимлар бўлади?

25. Қимматли қоғозлар бозори түгрисидаги қонун хұжжатларини бузиш маъмурий ҳуқуқбузарлигининг объектив томонини ёритинг.
26. Муаллифлик ҳуқуқини ва турдош ҳуқуқларни бузиш ҳуқуқбузарлигининг предмети ҳисобланадиган турдош ҳуқуқларнинг объектлари деганда нима тушунилади?
27. Суднинг хусусий ажрими (қарори) бўйича чоралар кўрмаслик объектив томондан қандай қилмишлар орқали содир этилади?
28. Майда безорилик қандай қилмишларни содир этишда намоён бўлади?
29. Адвокатнинг профессионал фаолиятига тўсқинлик қилиш маъмурий ҳуқуқбузарлиги қандай қилмишларни содир этишда ифодаланади?
30. Қонунчилик ҳужжатларини бажармасликка ёки бузишга омма олдида даъват қилиш қандай ҳаракатларни ўз ичига олади?
31. Паспорт тизими қоидаларини бузиш маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича жавобгарлик шартини кўрсатинг.
32. Тадбиркорлик субъектларини ҳомийликка ва бошқа тадбирларга мажбурий жалб этиш объектив томондан қандай қилмишлар орқали содир этилади?
33. Ярашилганлиги муносабати билан маъмурий жавобгарлиқдан озод қилишнинг шартларини санаб ўтинг.
34. Қайси ҳолларда ярашув муносабати билан маъмурий жавобгарлиқдан озод қилиш қўлланилмайди?
35. Ярашилганлиги муносабати билан маъмурий жавобгарлиқдан озод қилиш қайси орган томонидан кўриб чиқлади?
36. МЖтК 137-модда 2-қисми бўйича (“Йўл-транспорт ҳодисаси юз берган жойдан кетиб қолиш”) жавобгарлик шартларини аниқланг.
37. Транспорт воситасини бошқариш вақтида ҳайдовчиларнинг телефондан фойдаланиш учун МЖтК 128<sup>1</sup>-моддасида келтирилган жавобгарликни истисно этувчи ҳолатларни санаб ўтинг.

### **Тест топшириқлари:**

1. Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган пайтда неча ёшга тўлган шахслар маъмурий жавобгарликка тортилади?
  - a) 14 ёш
  - b) 16 ёш
  - c) 13 ёш
  - d) 15 ёш

2. Ярашилганлиги муносабати билан маъмурий жавобгарликдан озод қилишнинг шартларига нима кирмайди?
- a) ўз айбига икрор бўлиш
  - b) жабрланувчи билан ярашиш
  - c) етказилган зарарни бартараф этиш
  - d) чин кўнгилдан пушаймон бўлиш
3. Ваколатли орган (мансадор шахс) кимларнинг ярашув тўғрисидаги аризасини олишга ва судга юборишга ҳақли?
- a) айбланувчининг қонуний вакили
  - b) жабрланувчининг қонуний вакили
  - c) гумонланувчининг қонуний вакили
  - d) ваколатли орган бундай аризани қабул қилишга ҳақли эмас
4. Ваколатли орган жабрланувчининг ярашув тўғрисидаги аризасини неча кундан ортиқ бўлмаган муддатда судга юборади?
- a) олти кундан ортиқ бўлмаган муддатда
  - b) беш кундан ортиқ бўлмаган муддатда
  - c) тўрт кундан ортиқ бўлмаган муддатда
  - d) уч кундан ортиқ бўлмаган муддатда
5. Ваколатли орган жабрланувчининг ярашув тўғрисидаги аризасини қабул қилгач қандай ҳужжат чиқаради?
- a) қарор
  - b) ажрим
  - c) хулоса
  - d) фармон
6. Ярашилганлиги муносабати билан маъмурий жавобгарликдан озод қилиш масаласини кўриб чиқиш учун ҳуқуқбузар розилиги керакми?
- a) ҳа, керак
  - b) йўқ, керак эмас
  - c) жабрланувчининг розилиги етарли
  - d) буни суд ҳал этади
7. Маъмурий қамоқقا олиш чоралари кимга нисбатан қўлланилади?

- a) ўн саккиз ёшга тўлган шахсларга  
b) ҳомиладор аёлларга  
c) уч ёшгача боласи бўлган аёлларга  
d) иккинчи гуруҳ ногиронларига
8. Интизом уставлари татбиқ этиладиган шахслар қайси ҳуқуқбузарликни содир этганда маъмурий жавобгар бўладилар?  
a) йўл ҳаракати қоидаларини бузганда  
b) ов қилиш қоидаларини бузганда  
c) бошқа шахсни ҳақорат қилишда  
d) божхона қоидаларини бузганида
9. Қайси ҳолатда маъмурий ҳуқуқбузарлик эҳтиётсизлик орқасида содир этилган деб ҳисобланади?  
a) шахс ўз ҳаракати гайриҳуқуқий эканлигини билган бўлса  
b) шахс ўз ҳаракатининг зарарли оқибатларига кўзи етган бўлса  
c) шахс зарарли оқибатларнинг юз берини истаган бўлса  
d) оқибатнинг келиб чиқини олдиндан кўра билмаган бўлса
10. Қайси қоидалар инобатга олинган ҳолда, қилмиш жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд қўрқитиш оқибатида содир этилган деб ҳал этилади?  
a) охирги зарурат қоидалари  
b) зарурий мудофаа қоидалари  
c) демократизм қоидалари  
d) айб учун жавобгарлик қоидалари
11. Маъмурий жазо турларидан бирини аниqlang.  
a) ахлоқ тузатиш ишлари  
b) озодликдан маҳрум қилиш  
c) қамоққа олиш  
d) интизомий қисмга жўнатиш
12. Қайси маъмурий жазо чораси қўшимча жазо чораси тариқасида қўлланилиши мумкин эмас?  
a) жарима

- b) ашёларни олиб қўйиши
  - c) маҳсус ҳуқуқдан маҳрум этиши
  - d) мусодара қилиши
13. Маъмурий қамоққа олиш жазо чораси кимга қўлланилади?
- a) ҳомиладор бўлган аёлларга
  - b) уч ёшгача боласи бўлган аёлларга
  - c) биринчи гурӯҳ ногиронларига
  - d) ўн саккиз ёшга тўлган шахсларга
14. Маъмурий ҳуқуқбузарга солинадиган жарима қайси миқдордан келиб чиқиб белгиланади?
- a) “базавий ҳисоблаш миқдори”га
  - b) “энг кўп ойлик иш ҳақининг” миқдори билан
  - c) “бозордаги нархлар миқдорида”
  - d) “энг кам маош ҳақи” миқдори билан
15. Маъмурий қамоққа олиш муддати қанча?
- a) беш суткадан ўн суткагача
  - b) уч суткадан ўн беш суткагача
  - c) уч суткадан ўн суткагача
  - d) бир суткадан ўн беш суткагача
16. Тиббий йўсингаги мажбуров чораси неча суткагача бўлган муддатда қўлланилади?
- a) ўн суткагача
  - b) ўн беш суткагача
  - c) ўттиз суткагача
  - d) қирқ суткагача
17. Маъмурий ҳуқуқбузарлик натижасида етказилган мулкий зарарни қоплаш қайси ҳолларда фуқаролик-ҳуқуқий тартибда ҳал қилинади?
- a) мулкий зарар базавий ҳисоблаш миқдоридан кўп бўлса
  - b) мулкий зарар базавий ҳисоблаш миқдоридан кўп бўлмаса
  - c) зарар базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваридан кўп бўлса
  - d) зарар базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан кўп бўлса

18. Эпидемияларга қарши қураш қоидаларини бузиш учун маъмурий жавобгарлик шартларидан бирини аниқланг.
- a) жамоат жойларида ниқобсиз бўлиш
  - b) сабабсиз доимо уйдан чиқмаслик
  - c) санитар-гиена талабларига риоя этиш
  - d) жавобгарлик шарти белгиланмаган
19. Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларида қурилиш ишларини амалга ошириш қайси маъмурий ҳуқуқбузарликни ташкил этади?
- a) табиий ресурсларга эгалик ҳуқуқини бузиш (МЖтК 60-моддаси)
  - b) майда безорилик (МЖтК 60-моддаси)
  - c) оз миқдорда талон-торож қилиш (МЖтК 61-моддаси)
  - d) сугориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл кўймаслик бўйича чоралар кўрмаслик (МЖтК 60<sup>1</sup>-моддаси)
20. Мулкнинг қиймати қанча базавий ҳисоблаш миқдоридан ошмаса, оз миқдордаги талон-торож қилиш деб ҳисобланади?
- a) ўттиз бараваридан ошмаса
  - b) қирқ бараваридан ошмаса
  - c) эллик бараваридан ошмаса
  - d) юз бараваридан ошмаса
21. Бюджет ва смета-штат интизомини бузишда “унча кўп бўлмаган миқдор” деганда нима тушунилади?
- a) базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваридан 100 бараваригача
  - b) базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 бараваридан 100 бараваригача
  - c) базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараваридан 100 бараваригача
  - d) базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 бараваридан 100 бараваригача
22. Мулкни қасдан нобуд қилиш ёки унга зарап етказишда “кўп бўлмаган миқдор” деганда нима тушунилади?
- a) базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваридан 100 бараваригача
  - b) базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 бараваридан 100 бараваригача
  - c) базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараваридан 100 бараваригача
  - d) базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 бараваридан 100 бараваригача

23. Ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш маъмурий ҳуқуқбузарлик шартини кўрсатинг.
- a) қилмиш ҳайвоннинг ўлимига олиб келса
  - b) қилмиш ҳайвоннинг майиб бўлишига олиб келса
  - c) ҳайвонни ўз вақтида боқиш
  - d) паст ниятларда ҳайвонларни қийноққа солиш
24. Транспорт воситаларидан ахлат ёки бошқа нарсаларни ташлаб юбориш маъмурий ҳуқуқбузарлигини қайси ҳолат ташкил этмайди?
- a) ахлатни поездларнинг вагонларидан ташлаб юбориш
  - b) ахлатни автотранспорт воситаларидан ташлаб юбориш
  - c) ахлатни шаҳар йўловчилар транспортидан ташлаб юбориш
  - d) ахлатни шахсий автотранспорт воситаси ичига ташлаш
25. Қайд этган тезлиқдан соатига қанча километр чегириб ташланган ҳолда МЖТК 128<sup>3</sup>-моддаси бўйича маъмурий жазоchorаси қўлланилади?
- a) 5 километр
  - b) 10 километр
  - c) 15 километр
  - d) 20 километр
26. Энергетик ичимликларни неча ёшга тўлмаган шахсларга реализация қилиш учун маъмурий жавобгарлик белгиланган?
- a) ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга
  - b) ўн тўққиз ёшга тўлмаган шахсларга
  - c) йигирма ёшга тўлмаган шахсларга
  - d) қонунда ёш белгиланмаган
27. Муаллифлик ҳуқуқини ва турдош ҳуқуқларни бузиш ҳуқуқбузарликнинг предмети ҳисобланадиган турдош ҳуқуқлар обьектларига нима кирмайди?
- a) фонограмма
  - b) илмий мақолалар
  - c) қизиқчилик
  - d) телерадиодастурлари

28. Суднинг хусусий ажрими (қарори) бўйича чоралар кўрмаслик бўйича жавобгарлик субъекти ким бўлади?
- a) мансабдор шахс
  - b) фуқаролар
  - c) юридик шахс
  - d) жабрланувчи
29. Маиший шовқинга қарши кураш талабларини бузиш маъмурий ҳуқуқб-узарликни содир этиш вақтига оид қандай шарт белгиланган?
- a) ҳуқубузарликни дам олиш кунларида содир этиш
  - b) ҳуқубузарликни кундузи — соат 8.00 дан 18.00 гача содир этиш
  - c) ҳуқубузарликни тунги вақтда — соат 20.00 дан 07.00 гача содир этиш
  - d) ҳуқубузарликни тунги вақтда — соат 23.00 дан 06.00 гача содир этиш
30. Адлия органларининг бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномаларини бажармасликни қайси қилмиш ташкил этмайди?
- a) тақдимномаларини бажармаслик
  - b) тақдимномаларини ўз вақтида бажармаслик
  - c) тақдимномаларини тўлиқ бажармаслик
  - d) тақдимномаларини қисман бажариш
31. Давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузиш маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни қайси орган кўриб чиқади?
- a) Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги
  - b) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар органлари
  - c) Маъмурий ҳуқуқбузарлик ишлари бўйича судлар
  - d) Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси
32. Неча ёшгача бўлган шахс ўз вақтида паспорт олмаганилиги учун маъмурий жавобгарликка тортилмайди?
- a) ўн тўққиз ёшга тўлган шахс
  - b) йигирма бир ёшга тўлган шахс
  - c) ўн саккиз ёшгача бўлган шахс
  - d) йигирма ёшга тўлган шахс

33. Ҳарбий ҳисобдан ўтиш қоидаларини бузиш маъмурий жавобгарлик шартини аниқланг.
- а) чақирув бўйича узрли сабабга кўра келмаслик
  - б) чақирув бўйича узрли сабабсиз келмаслик
  - с) чақирув бўйича чақирув участкасига кечикиб келиш
  - д) чақирув ҳабарномаларини ўз вақтида олиш

### **Амалий масалалар:**

#### **1-масала**

Содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликни кам аҳамиятли деб топиб, жиноят ишлари бўйича туман суди ҳуқуқбузар В.ни маъмурий жавобгарликдан озод этиб, уни огоҳлантириш билан кифояланди.

**Савол:** Жиноят ишлари бўйича туман суд қарори тўғрими?

Жавобингизни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ асослаб беринг.

#### **2-масала**

Давлат органи инспектори содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги ҳақида хulosага келиб, ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш ҳақидаги қарор чиқарди.

**Савол:** Давлат органи инспектори бундай қарор чиқаришга ҳақлими?

Жавобингизни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ асослаб беринг.

#### **3-масала**

Битта ташкилотда ишлайдиган ходим С., шарманда қилиш мақсадида, Ч. исмли ходим ҳақида турли ҳақоратли уйдирмаларни тарқатди.

**Савол:** С. исмли ходимнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.

Жавобингизни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ асослаб беринг.

#### **4-масала**

Фуқаро Д. маст ҳолда, кўчада кетаётган Р. исмли қизга нисбатан уятли сўзлар билан мурожаат этиб, қизга нисбатан ҳақоратомуз шилқимлик ҳаракатларини содир этди.

Топшириқ: Мазкур ҳолат юзасидан фуқаро Д. ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.

Жавобингизни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ асослаб беринг.

### **5-масала**

Ишчанлик обрўларига зарар етказиш мақсадида, С. исмли ходим, ташкилот раҳбаридан бошқа ходимларнинг маошига қўшимча пул миқдори ҳақида маълумотни унга беришни талаб қилди. Ташкилот раҳбари, С.нинг талабини бажариб, унга бундай маълумотни берди.

**Савол:** Ташкилот раҳбари ҳаракатларида ҳуқуқбузарлик аломатлари борми?

Жавобингизни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ асослаб беринг.

### **6-масала**

Корхонанинг мол-мулкини оз миқдорда ўғирлашга оид маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиши жараёнида, Жиноят ишлари бўйича туман суди мазкур мол-мулк талончилик йўли билан эгалланганлигини аниқлади ва ҳуқуқбузарни МЖтК 61-моддаси (“Оз миқдорда талон-торож қилиш”) бўйича маъмурий жавобгарликка тортди.

**Савол:** Жиноят ишлари бўйича туман судининг қарори тўғрими?

Жавобингизни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ асослаб беринг.

### **7-масала**

Фуқаро Ж. кўчада ётган ичида етти юз минг сўм пули бор ҳамённи топиб олади. Ҳамёнда фуқаро Л.га тегишли ҳайдовчилик гувоҳномаси бўлса-да фуқаро Ж. ҳамённи эгасига қайтармайди.

Буни кўрган фуқаро М. ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларига хабар беради. Топиб олинган мол-мулкни яширганлиги учун Жиноят ишлари бўйича туман суди фуқаро Ж.ни. МЖтК 62-моддасига асосан базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари миқдорида жарима солди.

**Савол:** Жиноят ишлари бўйича туман судининг қарори асослами?

Жавобингизни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ асослаб беринг.

## **8-масала**

Якка тартибдаги уй-жой объекти тасдиқланган лойиҳасига зид ҳолатда кўрилганлиги учун Қурилиш соҳасида назорат қилиш инспекциясининг мансабдор шахси томонидан фуқаро Р.га нисбатан МЖтК 99-модда 1-қисми билан маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузилди ва судга кўриб чиқиш учун юборилди.

**Савол:** Қурилиш соҳасида назорат қилиш инспекциясининг мансабдор шахснинг ҳаракатлари қонунийими?

Жавобингизни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ асослаб беринг.

## **9-масала**

Дарёлар ўзанларида жойлашган фойдали қазилмаларни лицензиясиз қазиб олганлиги учун Жиноят ишлари бўйича туман суди томонидан МЖтК 70<sup>2</sup>-моддасига асосан, фуқаро Э.га нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз баравари миқдорида жарима солинди.

**Савол:** Жиноят ишлари бўйича туман судининг қарори тўғрими?

Жавобингизни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ асослаб беринг.

## **10-масала**

Умумий фойдаланишдаги газ тармоғига ўзбошимчалик билан уланганлиги (МЖтК нинг 101-моддаси) учун, \ суд фуқаро З.га базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорида жарима солиб, бир ой ичида газга уланиш хуқуқидан маҳрум қилди.

**Савол:** Жиноят ишлари бўйича туман судининг қарори тўғрими?

Жавобингизни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ асослаб беринг.

## **11-масала**

Ховлисининг ташқарисидаги ер майдонида ёввойи нашани йўқ қилиш юбориш чораларини кўрмаганлиги (МЖтК 106-моддаси) учун Жиноят ишлари бўйича туман суди томонидан фуқаро А.га нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида жарима солинди.

**Савол:** Жиноят ишлари бўйича туман судининг қарори тўғрими?

Жавобингизни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ асослаб беринг.

### **12-масала**

Давлат санитария-эпидемиология назорати бошқармалари туман филиали мудири С. ветеринария қоидалари ва нормаларини бузганлик учун фуқаро Ж.га нисбатан МЖтК 109-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлиги бўйича баённома тузади ва маъмурий жазо чораси қўллаш ҳакида қарор чиқаради.

**Савол:** Давлат санитария-эпидемиология назорати бошқармалари туман филиали мудири С.нинг ҳаракатлари тўғрими?

Жавобингизни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ асослаб беринг.

### **13-масала**

Ўзбекистон Республикасининг самовий ҳудудида учувчисиз учадиган аппаратлардан қонунга хилоф равища (рухсатсиз) фойдаланганлиги учун МЖтК 116<sup>2</sup>-моддасига (“Ўзбекистон Республикасининг самовий ҳудудидан қонунга хилоф равища (рухсатсиз) фойдаланиш”) асосан, ҳуқуқбузарлик ашёларини мусодара қилиб, жиноят ишлари бўйича туман суди фуқаро П.га базавий ҳисоблаш микдорининг йигирма баравари микдорида жарима солди.

**Савол:** Жиноят ишлари бўйича туман судининг қарори тўғрими?

Жавобингизни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ асослаб беринг.

### **14-масала**

Автотранспорт воситасидан ахлатни ташлаб юборганилиги (МЖтК 123-моддаси) сабабли ички ишлар йўл-патрул хизмати ходими томонидан автотранспорт йўловчисига нисбатан базавий ҳисоблаш микдорининг бешдан бир қисмидан бир бараваригача микдорда жарима солиш тўғрисида қарор қабул қилди. Жарима автотранспорт ҳайдовчисига нисбатан тузилиши кераклигини таъкидлаб, йўловчи қарорга нисбатан норозилик билдириди. Шунда йўл-патруль хизмати ходими йўловчини баённомани расмийлаштириш учун ички ишлар органи биносига боришни таклиф этди.

**Савол:** Ичкى ишлар йўл-патрул хизмати ходими ҳаракатлари қонунийми?

Жавобингизни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ асослаб беринг.

### **15-масала**

Жиноят ишлари бўйича туман суди томонидан транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқи бўлмаган шахс томонидан маст ҳолда бошқаргани учун фуқаро Г. МЖтК 131-модда 2-қисми бўйича ҳамда маст шахсга транспорт воситасини бошқаришни топширганлиги учун фуқаро З. МЖтК 131-модда 3-қисми бўйича маъмурий жавобгарликка тортилдилар.

**Савол:** Жиноят ишлари бўйича туман суди қарори тўғрими? Мазкур қарор одиллик принципига зид эмасми?

Жавобингизни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ асослаб беринг.

### **16-масала**

Давлат ташкилоти компьютер тизимидан фойдаланишга рухсати бўлган ходим Л. ташқаридан маълумот ташувчи хеч қандай бегона ускунани (флешка, диск ва ҳ.к.) ушбу компьютер тизимига киритмаслик мажбуриятини олган бўлса-да, шахсий флешкани компьютерга улаши натижасида ташкилот кадр бўлимининг ҳужжатларига оид ахборот йўқ қилиниб юборилди.

**Савол:** Ходим Л.нинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.

Жавобингизни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ асослаб беринг.

### **17-масала**

Водопровод тармоқларига ўзбошимчалик билан уланганлик (МЖтК 163-моддаси) учун жаримага тортилган фуқаро З. водопровод тармоғига уланганлигини, лекин сувдан фойдаланмаганлигини, бунга унинг гувоҳлари ҳам борлигини таъкидлаб, Жиноят ишлари бўйича туман суди қароридан шикоят қилди.

**Савол:** Жиноят ишлари бўйича туман суди қарори қонунийми?

**Савол:** Фуқаро З.нинг важлари шикоят қилиш учун асослими?

Жавобингизни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ асослаб беринг.

### **18-масала**

Шартнома мажбуриятларини бажармаганлиги (МЖтК 176<sup>1</sup>-моддаси) учун Иқтисодий суд томонидан тадбиркор Л.га нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорида жарима солинди. Тадбиркор Л. шартнома мажбуриятлари қисман бажарилмаганлигини важ қилиб, Иқтисодий суд қарори устидан апелляция инстанцияси судига шикоят қилди.

**Савол:** Иқтисодий суднинг қарори қонунийми?

**Савол:** МЖтК 176<sup>1</sup>-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик шартларини аниқланг.

Жавобингизни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ асослаб беринг.

### **19-масала**

Ўзга патентланган саноат намунасини ўз ичига олган маҳсулотни рухсатсиз тайёрлаганлиги учун Жиноят ишлари бўйича туман суди МЖтК 177<sup>2</sup>-моддасига асосан, хусусий тадбиркор Л.га базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорида жарима солинди. Тадбиркор Л. бундай маҳсулотни у тушида кўрганлигини ва эрталаб қоғозга туширганлигини ва кейинчалик ишлаб чиққанлигини айтиб, суд қарори устидан шикоят қилди.

**Савол:** Жиноят ишлари бўйича туман судининг қарори қонунийми?

**Савол:** МЖтК 177<sup>2</sup>-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик шартларини аниқланг.

Жавобингизни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ асослаб беринг.

### **20-масала**

Суд мажлиси пайтида тартибни бузганлик учун Иқтисодий суд томонидан фуқаро Г.га нисбатан МЖтК 180-моддасига асосан беш суткага маъмурий қамоқ жазоси белгиланди.

**Савол:** Иқтисодий суднинг қарори тўғрими?

**Савол:** Иқтисодий судлар маъмурий ишларни кўриб чиқиш ва жазо тайинлашга ҳақлими?

Жавобингизни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўгрисидаги кодексига мувофиқ асослаб беринг.

### **21-масала**

Интернет тармоғидан фойдаланиш хизматларини кўрсатиш жойида соат 20.00да вояга етмаган шахснинг бўлишига йўл қўйганлиги учун Жиноят ишлари бўйича туман суди томонидан МЖтК 188<sup>2</sup>-моддасига мувофиқ, Интернет хизматини кўрсатиш раҳбарига базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорида жарима солинди.

**Савол:** Жиноят ишлари бўйича туман суди қарори қонунийми?

**Савол:** Қонунга мувофиқ тунги вақт деганда қайси вақт тушунилади?

Жавобингизни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўгрисидаги кодексига мувофиқ асослаб беринг.

### **22-масала**

Муқаддам ўгрилик жинояти учун судланган фуқаро П. 50 Россия рублини сотаётган вақтда ички ишлар органлари ходимлари томонидан қўлга олинди.

**Савол:** Фуқаро П.нинг ҳаракатига ҳуқуқий баҳо беринг.

Жавобингизни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўгрисидаги кодексига мувофиқ асослаб беринг.

### **23-масала**

Кафеда ўз ўртоқлари билан ўн етти ёшига тўлганлигини нишонлаб ўтирган фуқаро Г. томонидан МЖтК 183-моддасида назарда тутилган майда безорилик содир этилди. Ушбу маъмурий ҳуқуқбузарлик учун суд фуқаро Г.га нисбатан 3 сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинланди.

**Савол:** Суд қарори тўгрими?

Жавобингизни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўгрисидаги кодексига мувофиқ асослаб беринг.

### **24-масала**

Фуқаро Л. томонидан бир йил олдин унинг ҳомиладорлик ва тугиш нафақаларини тўлаш бўйича мажбуриятдан бўйин товлаган корхона директори X. устидан шикоят билан Меҳнат бўйича давлат инспектори мурожаат этади. Меҳнат бўйича давлат инспектори шикоятни қабул қилиб,

корхона директори Х.ни чақириб, унинг ҳаракатсизлиги бўйича МЖтК 49<sup>3</sup>-моддасида назарда тутилган, яъни вақтингча меҳнатта қобилиятсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш нафақаларини тўлаш бўйича мажбуриятдан бўйин товлаш маъмурий ҳуқуқбузарлиги бўйича баённома тузади.

**Савол:** Меҳнат бўйича давлат инспектори З.нинг ҳаракатлари тўғрими?

Жавобингизни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ асослаб беринг.

### **25-масала**

Шаҳарлараро электр транспорти назоратчи-тафтишчиси К., электрпоездда Ф. исмли фуқаро томонидан тамаки маҳсулотини истеъмол қилганилиги учун маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома тузмоқчи бўлганда, Ф. исмли фуқаро назоратчи-тафтишчиси бундай ваколатга эга эмаслиги, бу ваколатга фақат ички ишлар идоралари ходимлари ҳақли эканлигини айтиб, ўзини таништирмасдан назорат-тафтишчига бўйсингмади.

**Савол:** Шаҳарлараро электр транспорти назоратчи-тафтишчиси К.нинг ҳаракатлари тўғрими?

Жавобингизни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ асослаб беринг.

### **26-масала**

Товарларнинг декларацияламаганлиги учун (МЖтК 227<sup>22</sup>-моддаси) ҳуқуқбузар X.га нисбатан товарларни мусодара қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваригача миқдорда жарима солиш тўғрисидаги қарор чиқарилди. Бироқ жазонинг ижросини таъминловчи масъул мансабдор шахснинг совуққонлиги туфайли маъмурий жазо бир йил давомида кўлланилмади.

**Савол:** Бир йилдан сўнг масъул мансабдор шахс жазо тайинлаш қарорини ижрога қаратиши мумкинми?

Жавобингизни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ асослаб беринг.

### **27-масала**

Ички ишлар органлари таянч пунктининг профилактика инспектори томонидан фуқаролик паспортисиз яшаб келганлиги сабабли, ўн етти ёшли фуқаро Ж.га нисбатан МЖтК 223-модда 1-қисм бўйича маъмурий

хуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузилиб, маъмурий жазо тайинлаш тўғрисидаги қарор қабул қилинди.

**Савол:** Ички ишлар органлари таянч пункти профилактика инспекторининг ҳаракатларига баҳо беринг.

Жавобингизни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ асослаб беринг.

### **28-масала**

Уй шароитида тугилган фарзандини, ўз вақтида қайд этишни таъминлаш мақсадида Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФХДЁ) органларига маълумотларни тақдим этмаганлиги учун фуқаро Г. Жиноят ишлари бўйича туман судининг қарори билан МЖтК 230-модда 1-қисми бўйича маъмурий жавобгарликка тортилди.

**Савол:** Жиноят ишлари бўйича туман судининг қарори тўғрими?

Жавобингизни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ асослаб беринг.

### **29-масала**

Муддатли ҳарбий хизматга чақирувдан бўйин товлаганлиги учун фуқаро Ч.га нисбатан Жиноят ишлари бўйича туман суди томонидан бавзий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари миқдорида жарима солинди.

Суд қароридан норозилик билдириб, фуқаро Ч. томонидан апелляция инстанция судига шикоят қилинди.

Фуқаро Ч. ўз шикоятида муддатли ҳарбий хизматга чақирувдан бўйин товламаганлигини, аксинча чақирув қоғозини олгач, янада соглом бўлиш учун санаторияга дам олишга борганлигини маълум қилди.

**Савол:** Жиноят ишлари бўйича туман судининг қарори тўғрими?

Жавобингизни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ асослаб беринг.

### **30-масала**

Шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонунчиликни бузиш (МЖтК 46<sup>2</sup>-моддаси) хуқуқбузарлигини содир этган В. билан ушбу хуқуқбузарликдан жабрланган С. суддан ярашганлиги муносабати билан МЖтК 21<sup>2</sup>-моддасида назарда тутилган маъмурий жавобгарликдан озод қилиш масаласини кўриб чиқиши илтимос қилди.

Судга раислик қилувчи илтимосни рад қилди.

**Савол:** Судга рислик қилувчининг ҳаракатлари түгрими?

Жавобингизни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик түгрисидаги кодексига мувофиқ асослаб беринг.

### **ІІІ бўлим. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТҮГРИСИДАГИ ИШЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШГА ВАКОЛАТЛИ БЎЛГАН ОРГАНЛАР (МАНСАБДОР ШАХСЛАР)**

#### **Топшириқ**

**Қуийдаги норматив-ҳуқуқий хужжатларни ўрганиш:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик түгрисидаги кодекси 242–268<sup>4</sup>-моддалари.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2018 йил 19 майдаги 15-сон “Маъмурий ишларни кўришда биринчи инстанция суди томонидан процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари түгрисида”ги қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартағи ПҚ-2833-сон “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиб тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари түгрисида” ги қарори.

#### **Назорат саволлари:**

1. Қайси орган (мансабдор шахс)лар маъмурий ҳуқуқбузарликлар түгрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга?
2. Вояга етмаган шахслар томонидан содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар түгрисидаги ишлар қайси орган томонидан кўриб чиқилади?
3. Маъмурий жазо чоралари, орган (мансабдор шахс) томонидан қайси доирада ва қандай бурчни бажариб турганда қўлланиши мумкин?
4. Иқтисодий судлар қайси маъмурий ҳуқуқбузарликлар түгрисидаги ишларни кўриб чиқишга ҳақли?

5. Фуқаролик ишларининг муҳокамаси чогида қайси маъмурий ҳуқуқбузарликлар аниқланганда фуқаролик ишлари бўйича судлар маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади?
6. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазоchorасини қўллашга ҳақли орган (мансабдор шахслар) ни санаб ўтинг.
7. Адлия органларининг мансабдор шахслари қайси ҳуқуқбузарликлар бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузади?
8. Ички ишлар органларига қайси маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқли?
9. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органлари маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома тузишга ҳақлими?
10. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги органларининг мансабдор шахслари қайси ҳуқуқбузарликларни аниқлаган тақдирда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузадилар?
11. Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни қайси органлар (mansabдор шахс) кўриб чиқишга ҳақли?
12. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги органларига қайси маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқли?

### **Тест топшириқлари:**

1. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар қайси суд томонидан кўриб чиқилади?
  - a) маъмурий ишлар бўйича туман (шаҳар) судлари
  - b) жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари
  - c) хўжалик ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари
  - d) маъмурий ва жиноят ишлари бўйича судлари
2. Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралароро комиссия маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича қайси тартибда қарор қабул қиласди?
  - a) комиссия раиси қарор қабул қиласди
  - b) оддий кўпчилик овоз билан
  - c) комиссия қарор қабул қиласмайди
  - d) вояга етмаганларга қарорни суд чиқаради

3. Маъмурий ҳуқуқбузарлик факти инкор этилган ишлар қайси орган томонидан кўриб чиқади?
  - a) жиноят ишлари бўйича судлари
  - b) маъмурий баённомани тузган мансабдор шахс
  - c) тегишли ҳудудий прокуратура ходими
  - d) ички ишлар органлари профилактика инспектори
4. Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш чоғида тадбиркор томонидан содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни қайси орган кўриб чиқади?
  - a) давлат солиқ инспекцияси
  - b) жиноят ишлари бўйича судлар
  - c) иқтисодий судлар
  - d) фуқаролик ишлари бўйича судлар
5. Хорижий автотранспортда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган пунктлар ўртасида юкларни ташиш (каботаж) маъмурий ҳуқуқбузарлик қайси орган томонидан кўриб чиқилади?
  - a) ички ишлар органлари
  - b) адлия вазирлиги органлари
  - c) транспорт вазирлиги органлари
  - d) прокуратура органлари
6. Давлат санитария назорати органлари номидан кимлар маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича маъмурий жазо чораси қўллашга ҳақли?
  - a) ички ишлар органлари ходими
  - b) адлия вазирлиги органлари ходимлари
  - c) санитария назорати ходимлари
  - d) давлат санитария врачлари
7. Давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузиш маъмурий ҳуқуқбузарликлар қайси орган томонидан кўриб чиқилади?
  - a) адлия вазирлиги органлари ходимлари
  - b) ҳудудий прокуратура органига
  - c) Давлат хизматлари агентлиги
  - d) ички ишлар органлари профилактика инспектори

8. Меҳнат тўғрисидаги қонунларни бузиш маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар қайси орган томонидан кўриб чиқилади?
  - a) иқтисодий судлар
  - b) меҳнат бўйича давлат инспекторлари
  - c) фуқаролик ишлари бўйича судлар
  - d) ички ишлар органлари профилактика инспектори
9. Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш Инспекцияси органларига МЖтК 176<sup>1</sup>-моддасининг (“Шартнома интизомини бузиш”) қайси қисми тааллукли?
  - a) ер ресурсларига оид қисми
  - b) сув ресурсларидан фойдаланишга оид қисми
  - c) маҳсулотни етказиб беришга оид қисми
  - d) қишлоқ ва сув хўжалигига оид қисми

### **Амалий масалалар:**

#### **1-масала**

Хусусий ажримга (қарорга) ўз вақтида жавоб бермаганлиги учун фуқаролик ишлари бўйича суди томонидан, МЖтК 181-моддасига асосан, корхона раҳбари Н.га нисбатан базавий ҳисоблаш микдорининг уч баравари микдорида жарима солинди.

**Савол:** Фуқаролик ишлари бўйича суд МЖтК 181-моддаси бўйича жазо тайинлашга ҳақлими?

Жавобингизни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ асослаб беринг.

#### **2-масала**

Мурожаатларни кўриб чиқиш муддатларини бузганлик учун Давлат хизматлари маркази ходимига нисбатан ушбу Давлат хизмат маркази бошлиги томонидан МЖтК 215<sup>5</sup>-моддасига (Давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузиш) асосан базавий ҳисоблаш микдорининг уч баравари микдорида жарима солинди.

**Савол:** Давлат хизматлари маркази бошлиги мазкур ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва жарима қўллашга ҳақлими?

Жавобингизни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ асослаб беринг.

### **3-масала**

Айни пайтда таътилда бўлган, Давлат ёнгин назорати органи инспектори С. томонидан, ўрмонларда ёнгин хавфсизлиги талабларини бузганлик учун МЖтК 84-моддаси бўйича фуқаро К.га нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузилади ва базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваригача жарима солинади.

**Савол:** Давлат ёнгин назорати органи инспектори С.нинг ҳаракатлари қонунийми?

Жавобингизни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ асослаб беринг.

### **4-масала**

Қишлоқ ва сув хўжалигига оид шартнома мажбуриятларини бажармаганлиги учун тадбиркор В.га нисбатан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш Инспекция бошлиги томонидан МЖтК 176<sup>1</sup>-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича иш кўриб чиқилди ва маъмурий жазо қўллаш ҳакида қарор қабул қилинди.

**Савол:** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш Инспекция бошлиги ҳаракатлари қонунийми?

Жавобингизни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ асослаб беринг.

### **5-масала**

Фуқаролик ишлари бўйича судига Раислик қилувчи томонидан бир неча маротаба суд мажлисига чақирилишига қарамасдан даъвогар Р. суд мажлисига келмади. Фуқаролик иши бўйича судга Раиси даъвогар Р.ни судга ҳурматсизлик қилганлиги учун МЖтК 180-моддаси бўйича маъмурий жавобгарликка тортди.

**Савол:** Фуқаролик ишлари бўйича судига Раислик қилувчининг ҳаракатлари тўғрими?

Жавобингизни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ асослаб беринг.

## **6-масала**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш Инспекция бошлиғи томонидан ўрмонлардаги чеклов белгиларини йўқ қилганлиги билан боғлиқ (МЖтК 69-моддаси) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиб, фуқаро Ф.га маъмурий жазо қўлланилди.

**Савол:** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекция бошлиғи маъмурий жазо қўллашга ҳақлими?

Жавобингизни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ асослаб беринг.

## **7-масала**

Аэропорт биноси ичида майда безорилик содир этган фуқаро Н.га нисбатан, Ўзбекистон Республикасининг Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси инспектори томонидан, МЖтК 61<sup>2</sup>-моддаси бўйича маъмурий баённома тузилди ва маъмурий жазо қўллаш тўғрисида қарор чиқарилди.

**Савол:** Ўзбекистон Республикасининг Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси инспектори ҳаракатлари қонунийми?

Жавобингизни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ асослаб беринг.

## **8-масала**

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ҳузуридаги Кон-геология фаолиятини назорат қилиш инспекцияси инспектори томонидан сув захираларини муҳофаза қилиш қоидаларини бузганлик (МЖтК 72-моддаси) фуқаро Д.га нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваригача миқдорда жарима солинди.

**Савол:** Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ҳузуридаги Кон-геология фаолиятини назорат қилиш инспекцияси инспектори ҳаракатлари қонунийми?

Жавобингизни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ асослаб беринг.

## **9-масала**

Туманнинг ерлардан фойдаланиш ва уларнинг муҳофаза этилишини назорат қилиш бош давлат инспектори томонидан, ер участкасига бўлган ҳуқуқни рўйхатдан ўтказиш учун ўз вақтида мурожаат этмаганлик учун (МЖтК 68<sup>1</sup>-моддаси) фуқаро Э.га нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари миқдорида жарима солинди.

**Савол:** Туманнинг ерлардан фойдаланиш ва уларнинг муҳофаза этилишини назорат қилиш бош давлат инспектори ҳаракатлари тўғрими?

Жавобингизни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ асослаб беринг.

## **10-масала**

Автомобиль йўлларини ўзбошимчалик билан қазиганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекциясининг мансабдор шахси томонидан фуқаро А.га нисбатан МЖтК 147-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича баённома тузилди ва базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараварида жарима солинди.

**Савол:** Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекциясининг мансабдор шахси ҳаракатларига баҳо беринг.

**Савол:** МЖтК 268<sup>4</sup>-моддасига кўра, йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш органлари қандай ваколатларга эга?

Жавобингизни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ асослаб беринг.

# **IV бўлим. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ ЮРИТИШ**

## **Топширик**

### **Қуйидаги норматив-ҳуқуқий хужжатларни ўрганиш:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 269–324<sup>35</sup>-моддалари.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2018 йил 19 майдаги 15-сон “Маъмурий ишларни кўришда биринчи инстанция суди

томонидан процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартағи ПҚ-2833-сон “Хуқуқбузарлик профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

### **Назорат саволлари:**

1. Маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишга оид вазифаларга нималар киради?
2. Маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни истисно этувчи ҳолатларни санаб беринг.
3. Маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар асосан қайси тилда юритилади?
4. Маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан далилларга нималар киради?
5. Маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш хуқуқига эга ваколати бўлган шахсларга кимлар киради?
6. Маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги баённоманинг мазмунида нималар кўрсатилади?
7. Маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида шикоят берганда шахсдан давлат божи ундириладими?
8. МЖтКнинг қайси моддасида белгиланган тартибда маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома кўриб чиқиш учун судга юборилади?
9. Маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни таъминлашнинг қандай чоралари назарда тутилган?
10. Қайси ҳолатларда маъмурий хуқуқбузарлик содир этган ёхуд ўзининг шахси тўғрисидаги маълумотларни яширган шахслар 24 соатдан кўп бўлмаган муддатта ушлаб турилиши мумкин?
11. Маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг қандай хуқуқ ва бурчлари келтирилган?
12. Қайси шахслар маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритишида қатнашадилар?
13. МЖтК 297-моддасига (“Адвокат”) асосан адвокат хуқуқларига нималар киради?

14. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш мажлисда кўриб чиқилганда адвокатнинг ҳуқуқларига нималар киради?
15. Қайси ҳолда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиши вақти кечиктирилади?
16. Маъмурий жавобгарликка қонунга хилоф равишда тортилганлиги сабабли, фуқарога етказилган зарар қайси тартибда қопланади?
17. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан қандай қарорлар чиқарилиши мумкин?
18. Апелляция тартибида қайси судлар маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни қайта кўради?
19. Апелляция шикояти (протести) қайси судга берилади?
20. Биринчи инстанция судининг маъмурий қамоққа олиш ёки маъмурий тартибда чиқарип юбориш тўғрисидаги қарори устидан берилган апелляция шикояти (протести) қайси муддат ичида апелляция инстанцияси суди томонидан кўрилиши лозим?
21. Кассация тартибида қайси суд ҳужжатлари қайта кўрилади?
22. Қонунга мувофиқ кимлар кассация шикояти (протести)ни бериш ҳуқуқига эга?
23. МЖтК 324<sup>13</sup>-моддасига асосан, кассация шикоятида (протестида) нималар кўрсатилиши керак?
24. Кассация шикоятни (протестни) ўрганиш натижаларига кўра, судья қандай ажримларни чиқариши мумкин?
25. Кассация шикояти (протести) кассация инстанцияси суди судъяси томонидан ўрганилиб, у кўпи билан ўн сутка муддатда қандай масалаларни ҳал этади?
26. Кассация инстанцияси суди ишни кассация тартибида кўриб чиқканда қандай ваколатларга эга бўлади?
27. Кимлар томонидан киритилган протестга кўра, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш кассация тартибида такроран кўрилади?

#### **Тест топшириқлари:**

1. Ҳуқуқбузарлик учун жарималар қайси миқдордан келиб чиқиб белтиланади?
  - a) “энг кўп ойлик иш ҳақи”дан
  - b) “бозордаги нархлар миқдори”дан
  - c) “базавий ҳисоблаш миқдори”дан
  - d) “энг кам маош ҳақи”дан

2. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишида қайси пайтдан бошлаб адвокат қатнашиши мумкин?
- a) маъмурий баённома тузиш пайтидан
  - b) маъмурий ишни кўриб чиқиш пайтидан
  - c) шахсни ушлаб туриш пайтидан
  - d) маъмурий жазо чораси ҳақида қарор чиқариш пайтидан
3. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколати қайси судларга берилди?
- a) бу ваколат маъмурий судларда қолди
  - b) хўжалик ишлари бўйича туман (шаҳар) судларига
  - c) жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судларига
  - d) жиноят ишлари бўйича қишлоқ (овул) судларига
4. Орган (мансабдор шахс) ўзининг ички ишончи билан нимага амал қилган ҳолда далилларга баҳо беради?
- a) фалсафага
  - b) тажрибасига
  - c) мантиққа
  - d) қонунга
5. Ҳуқуқбузарлиқда ниманинг аломатлари бўлганда орган (мансабдор шахс) материалларни прокурорга топшириши керак?
- a) казус
  - b) маъмурий ҳуқуқбузарлик
  - c) жиноят
  - d) айбисизлик
6. Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги тўғрисидаги баённома кимлар томонидан тузилади?
- a) фақат ички ишлар органлари ходимлари
  - b) ваколатли мансабдор шахслар
  - c) олий юридик маълумотга эга шахслар
  - d) маъмурий ишлар бўйича судлар

7. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома тузиладиган ҳоллардан бирини кўрсатинг.
- солинадиган жаримага эътиroz билдирилса
  - ҳуқуқбузарлик фактига эътиroz билдирилмаса
  - қилмишда жиноят аломатлари бўлса
  - қилмишда ҳуқуқбузарлик факти бўлмаса
8. Содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида тузилган баённома қайси муддат ичида ваколатли орган (мансабдор шахс)га юборилади?
- уч соатдан кечиктирмай
  - дарҳол юборилади
  - бир суткадан кечиктирмай
  - беш суткадан кечиктирмай
9. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи биносига ушлаб келтирилган шахс бу ерда қанча соатдан ортиқ ушлаб турилиши мумкин эмас?
- 1 соат
  - 2 соат
  - 3 соат
  - 5 соат
10. Умумий қоидага кўра, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш қайси жойда кўриб чиқилади?
- фақат ҳуқуқбузарнинг яшаш ҳудудида
  - ишни кўриб чиқувчи мансабдор шахс белгилаган жойда
  - қонунда бу тартиб бўйича чекловлар йўқ
  - ҳуқуқбузарлик содир этилган жойда
11. Маъмурий жавобгарликка қонунга хилоф равишда тортилганлиги натижасида фуқарога етказилган зарарни қоплаш қайси тақдирда вужудга келади?
- иш тўхтатилган тақдирда
  - иш тугатилган тақдирда
  - иш қайта қўзгатилганда
  - бундай ҳуқуқ қонунда назарда тутилмаган

12. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш ваколатли орган (мансабдор шахс) томонидан қайси муддат ичида кўриб чиқилади?
- a) йигирма кун
  - b) ўн беш кун
  - c) ўттиз кун
  - d) ўн кун
13. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш пайтида тегишли орган томонидан қандай ҳужжат юритилади?
- a) қарор
  - b) жадвал
  - c) баённома
  - d) йўриқнома
14. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор қайси пайтдан эътиборан қонуний кучга киради?
- a) орган (мансабдор шахс) белгилаган кундан
  - b) чиқарилган пайтдан
  - c) эртаси кунидан
  - d) уч кундан кейин
15. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан ваколатли органинг қарори хусусида неча кун ичида шикоят берилиши мумкин?
- a) 10 кун
  - b) 15 кун
  - c) 20 кун
  - d) 30 кун
16. Адвокат томондан берилган шикоят кўриб чиқилгунга қадар, маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарор ...
- a) ўз кучини йўқотади
  - b) тўхтатиб турилади
  - c) ижрога қаратилади
  - d) ҳуқуқбузарга етказилади
17. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан қарорнинг нусхасини олган адвокат қайси муддатда шикоят бериши мумкин?

- a) уч кун ичида
  - b) беш кун ичида
  - c) ўн кун ичида
  - d) ўн беш кун ичида
18. Суднинг маъмурий ҳукуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича қарори устидан шикоят иш билан бирга қайси муддат ичида апелляция инстанция судига юборилиши лозим?
- a) уч кун ичида
  - b) беш кун ичида
  - c) ўн кун ичида
  - d) ўн беш кун ичида
19. Биринчи инстанция судининг маъмурий ҳукуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича қарори устидан берилган апелляция шикояти (протести) қайси муддат ичида кўрилиши лозим?
- a) ўн сутка ичида
  - b) ўн беш сутка ичида
  - c) йигирма сутка ичида
  - d) бир ой ичида
20. Апелляция инстанцияси суди қарори устидан шикоят кимга берилади?
- a) кассация инстанция судига
  - b) иш юзасидан қарорни чиқарган судига
  - c) назорат инстанция судига
  - d) Ўзбекистон Республикаси Олий судига
21. Апелляция инстанцияси суди шикоятни кўриб чиқиб қандай ҳужжатни қабул қиласи?
- a) қарор
  - b) ажрим
  - c) хулоса
  - d) тақдимнома
22. Кассация тартибида тақдим этилган шикоятни ўрганиш натижаларига кўра, судья қандай ҳужжат чиқаради?

- a) хулоса
  - b) қарор
  - c) протест
  - d) ажрим
23. Апелляция инстанцияси судининг қарори чиқарилган кундан эътиборан қайси муддат ичида кассация шикояти берилиши мумкин?
- a) олти ой ичида
  - b) беш ой ичида
  - c) тўрт ой ичида
  - d) уч ой ичида
24. Қайси суд инстанциясида кўрилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар кассация тартибида такроран кўрилади?
- a) кассация инстанция суди
  - b) биринчи инстанция суди
  - c) назорат инстанция суди
  - d) янги очилган ҳолатлар бўйича инстанция суди
25. Кассация шикояти қайси муддатда кўриб чиқилиши лозим?
- a) бир ойдан ошмаган муддатда
  - b) икки ойдан ошмаган муддатда
  - c) уч ойдан ошмаган муддатда
  - d) беш ойдан ошмаган муддатда
26. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кассация тартибида такроран кўриш учун шикоят қайси муддатда берилиши мумкин?
- a) бир ойлик муддатда
  - b) икки ойлик муддатда
  - c) тўрт ойлик муддатда
  - d) олти ойлик муддатда
27. Ишни кассация инстанцияси судида такроран кўриб чиқиш натижалари бўйича қандай ҳужжат қабул қилинади?
- a) ажрим
  - b) қарор

- c) ҳукм
  - d) хуолоса
28. Биринчи инстанция суди томонидан чиқарилган, қонуний кучга кирган қарор янги очилган ҳолатлар бўйича қайси суд томонидан кўрилади?
- a) кассация инстанция суди
  - b) қарорни чиқарган фуқаролик ишлари бўйича суд
  - c) қарорни чиқарган жиноят ишлари бўйича суд
  - d) назорат инстанция суди

### **Амалий масалалар:**

#### **1-масала**

Хукуқбузарлик содир этган фуқаро С. баённомани имзолашдан бош тортди. Ваколатли орган (мансабдор шахс) баённомага имзо қўймаганлиги сабабли фуқаро С.га унинг ҳукуқ ва бурчлари тушунтирилмаслигини айтди.

Фуқаро С. ўз ҳукуқларини билиш мақсадида, баённомага имзо қўйди.

Мазкур ишни кўриб чиқиш жараёнида адвокат ушбу ҳолат юзасидан шикоят келтирди.

**Савол:** Адвокат шикояти асослими?

Жавобингизни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ асослаб беринг.

#### **2-масала**

Совуқ қуроли борлигига гумон қилинган фуқаро В. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органларининг ваколатли шахслари томонидан кўриқдан ўтказилди. Шахсни кўриқдан ўтказиш натижасида ҳақиқатан ҳам фуқаро В.нинг чўнтагидан совуқ қурол чиқди.

**Савол:** Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органлари ваколатли шахсларининг ҳаракатлари қонунийми?

**Савол:** МЖтК 289-моддасида шахсни кўриқдан ўтказишга оид қандай талаблар келтирилган.

Жавобингизни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ асослаб беринг.

### **3-масала**

Майда безорилик содир этган фуқаро П.га нисбатан ўн беш сутка муддатта маъмурий қамоқ жазоси тайинланди. Янги очилган ҳолатлар бўйича жиноят ишлари бўйича туман суди фуқаро П.ни айбиз деб топди. Маъмурий жазони ўтаган даврида фуқаро П. доимий иш жойида иш ҳақи тўланиши тўхтатилди. Фуқаро П. унга етказилган зарарни тўлиқ ҳажмда қоплашни талаб қилиб, судга мурожаат қилди.

**Савол:** Фуқаро П.нинг талаби қаноатлантириладими?

Жавобингизни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ асослаб беринг.

### **4-масала**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқувчи ваколатли органнинг мажлисида раислик қилувчи томонидан мажлисда қатнашувчи адвокат томонидан келтирилган далиллар ўрганмасдан, уларни рад этди.

**Савол:** Мажлис раисининг ҳаракатлари қонунийми?

Жавобингизни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ асослаб беринг.

### **5-масала**

Махсус автоматлаштирилган фото қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги бўйича фуқаро Э.га нисбатан жарима солиш тўғрисидаги қарор чиқарилди. Фуқаро Э. маъмурий жарима тўғрисидаги қарор унинг иштирокисиз чиқарилди, деб шикоят қилди.

**Савол:** Фуқаро Э.нинг шикояти асослими?

Жавобингизни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ асослаб беринг.

### **6-масала**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан мансабдор шахс томонидан чиқарилган қарор хусусида, қарорнинг нусхасини олган фуқаро Г. томонидан ўн беш кундан сўнг шикоят берилди. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритувчи мансабдор шахс шикоятни рад этди.

**Савол:** Мансабдор шахснинг ҳаракатлари тўғрими?

Жавобингизни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ асослаб беринг.

## **7-масала**

Биринчи инстанция судининг маъмурий қамоққа олиш тўғрисидаги қарори устидан берилган апелляция шикояти, апелляция инстанцияси суди томонидан уч кун ичидаги кўриб чиқилаётганлиги сабабли адвокат томонидан апелляция инстанция суди устидан шикоят қилинди.

**Савол:** Адвокатнинг шикояти асослами?

Жавобингизни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ асослаб беринг.

## **8-масала**

Биринчи инстанция судининг сайловолди ташвиқоти олиб борилаётганда номзоднинг ҳуқуқларини бузиш (МЖтК 51<sup>4</sup>-моддаси) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иши бўйича қарори устидан берилган апелляция шикояти апелляция инстанцияси суди томонидан ўн кун ўтгач кўрилиши бошланди.

**Савол:** Апелляция инстанцияси суди ҳаракатлари қонунийми?

Жавобингизни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ асослаб беринг.

## **9-масала**

Судланувчи Г. ўзига оид жиноят иши бўйича биринчи босқич судининг ҳукмидан норози бўлиб, апелляция шикояти берган вақтда апелляция инстанциясида адвокатдан воз кечди.

**Савол:** Апелляция инстанциясида судланувчига адвокатдан воз кечиши мумкинми?

Жавобингизни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ асослаб беринг.

## **9-масала**

Жабрланувчига, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиши тўғрисидаги баённоманинг кўчирма нусхасини ўз ҳисобидан олишга ҳақли эканлиги маълум қилинди. Бундан норози жабрланувчи шикоят билан мурожаат этди.

**Савол:** Жабрланувчининг шикояти асослами?

Жавобингизни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ асослаб беринг.

## **10-масала**

Кассация инстанцияси суди маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кассация тартибида кўриб чиқиб, биринчи инстанция судининг жарима жазо чорасини қамоқ жазо чорасига ўзгартириш юзасидан ажрим чиқарди.

Кассация инстанция судининг ажримидан норози бўлган адвокат шикоят билан мурожаат этди.

**Савол:** Адвокатнинг шикояти асослими?

Жавобингизни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ асослаб беринг.

## **11-масала**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича апелляция инстанция судининг 2020 йил февраль ойида чиқарилган қарорини қайта кўриш юзасидан, адвокатнинг 2021 йил январь ойидаги кассация шикояти Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан қабул қилинмади.

**Савол:** Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ҳаракатлари қонунийми?

Жавобингизни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ асослаб беринг.

## **12-масала**

Кассация инстанцияси суди ишни кассация тартибида кўриб чиқиб, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича қабул қилинган қарорни қисман бекор қилиб, ишни апелляция инстанциясида янгидан кўриш учун юборди.

**Савол:** Кассация инстанцияси судининг ҳаракатлари тўғрими?

**Савол:** Қонунга мувофиқ, кассация инстанцияси судининг ваколатларига нималар киради?

Жавобингизни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ асослаб беринг.

## **13-масала**

Кассация инстанцияси судида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни тақороран кўришда иштирок этажтан Ўзбекистон Республикаси Олий

судининг уч нафар судьяларидан бири мазкур ишни кассация тартибida кўришда иштирок этганлиги бўйича адвокат томонидан шикоят берилди.

**Савол:** Адвокатнинг шикояти асослими?

Жавобингизни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ асослаб беринг.

#### **14-масала**

Кассация инстанцияси судининг қарори билан биринчи инстанция суди қарори ўзгартирилди. Ишга оид жиддий аҳамиятга эга янги ҳолат борлигини аниқлаган адвокат, суд ҳужжатини янги очилган ҳолат бўйича қайта кўриб чиқиш учун биринчи инстанция судига мурожаат этди.

**Савол:** Адвокат ҳаракатлари тўғрими?

**Савол:** Янги очилган ҳолатлар бўйича суд қарорларини қайта кўриб чиқиш қайси суд инстанцияларида амалга оширилади.

Жавобингизни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ асослаб беринг.

## **V бўлим. МАЪМУРИЙ ЖАЗО ҚЎЛЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОРЛАРНИ ИЖРО ЭТИШ**

**Топшириқ**

**Куйидаги норматив-хуқуқий ҳужжатларни ўрганиш:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 325–348-моддалари.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги 258-II-сон “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги қонуни.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 майдаги ПҚ-3016-сон “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12 мартағи ПҚ-4236-сон “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

### **Назорат саволлари:**

1. Маъмурий жазо қўлланилиши тўғрисидаги қарор кимлар томонидан ижро этилиши мажбурий?
2. Жарима солиш тўғрисидаги қарорни ихтиёрий равишида бажаришнинг белгиланган муддати ўтиб кетганида бундай қарор қандай ижро этилади?
3. Маъмурий жазо қўлланилиши тўғрисидаги қарор ким томонидан ижро этишга қаратилади?
4. Маъмурий жазо қўлланилиши тўғрисида қарор чиқарган орган (мансабдор шахс) қайси ҳолларда унинг ижросини тугатади?
5. Маъмурий жазо қўлланилиши тўғрисидаги қарорнинг тўғри ва ўз вақтида ижро этилишини назорат қилиш кимнинг зиммасига юклатилади?
6. Қайси ҳолатда ҳуқуқбузар, жарима миқдорининг 70 фоизини тўлган тақдирда, у жариманинг қолган қисмини тўлашдан озод қилинади?
7. Бирон нарсанинг ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш тўғрисидаги қарорни ижро этиш тартиби қандай?
8. Йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун солинган жаримани ҳуқуқбузар жарима солиш тўғрисидаги қарор чиқарилган кундан эътиборан неча кундан кечиктирмай тўлаши керак?
9. Махсус ҳуқуқдан маҳрум этиш тўғрисидаги қарорни ижро этувчи органларга кимлар киради?
10. Қарорнинг мулкий зарарини ундириб олиш хусусидаги қисмини ижро этиш тартиби ва муддатларини ёритинг.
11. Чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни маъмурий тарзда чиқариб юбориш тўғрисидаги қарорни ижро этиш қандай ҳужжат билан расмийлаштирилади?

### **Тест топшириқлари:**

1. Маъмурий жазо қўлланилиши тўғрисидаги қарор башарти ўзгача қоида белгиланмаган бўлса, қайси пайтдан бошлаб ижро этилиши лозим?
  - a) муддати тугаган пайтдан
  - b) чиқарилган пайтдан
  - c) икки ойдан кейин
  - d) етмиш кун ичida

2. Ихтиёрий равища бажарышнинг белгиланган муддати ўтганда жа-  
рима солиш тўғрисидаги қарор қандай ижро этилади?
  - a) ихтиёрий равища
  - b) қўшимча қарор қабул қилинади
  - c) мажбурий равища
  - d) қарор ижро этилмайди
3. Бир шахсга нисбатан маъмурий жазо қўлланилиши тўғрисида бир  
неча қарорлар қайси тартибда ижро этилади?
  - a) ҳар бири мустақил равища
  - b) ҳуқуқбузарликлар рецидиви тартибида
  - c) ҳуқуқбузарликлар мажмуи равища
  - d) битта ҳуқуқбузарлик тартибида
4. Ваколатли орган (мансадбор шахс) маъмурий жазо қўллаш тўғриси-  
даги қарорнинг ижросини қанча муддатга кечиктириши мумкин?
  - a) бир ойгача муддатга
  - b) икки ойгача муддатга
  - c) уч ойгача муддатга
  - d) тўрт ойгача муддатга
5. Башарти маъмурий жазо қўлланилиши тўғрисидаги қарор чиқарилган  
кундан бошлаб қанча ой давомида ижро этишга қаратилмаган бўлса,  
у ҳолда бундай қарор ижро этилмайди?
  - a) бир ой давомида
  - b) икки ой давомида
  - c) уч ой давомида
  - d) тўрт ой давомида
6. Жарима солиш тўғрисидаги қарор топширилган кундан бошлаб  
ҳуқуқбузар томонидан жарима неча кундан кечиктирмай тўланиши  
лозим?
  - a) олти ой
  - b) йигирма кун
  - c) ўттиз кун
  - d) қирқ кун

7. Ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларнинг мустақил иш ҳақи бўлмаган тақдирда, жарима кимлардан ундириб олинади?
- a) уларга жарима қўлланилмайди
  - b) уларнинг ота-оналаридан
  - c) улар яшаётган маҳалла йигини раисидан
  - d) уларнинг ишга жойлаши кутилади
8. Жарима солиш тўғрисидаги қарорни ижро этишнинг соддалаштирилган тартиби қайси ҳолатда қўлланилмайди?
- a) ҳуқуқбузарлик учун жарима суд томонидан солинганда
  - b) ҳуқуқбузар ўн беш кун ичида жарима тўлагандан
  - c) жарима миқдорининг етмиш фоизини тўлагандан
  - d) жаримани ихтиёрий равишида тўлагандан
9. Маъмурий қамоқقا олиш тўғрисидаги қарор чиқарилгандан кейин қайси муддатда ижро этилади?
- a) уч кундан сўнг
  - b) дарҳол ижро этилади
  - c) ўн кун ичида
  - d) қарор қабул қилинган куннинг эртасида
10. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарорнинг мулкий зарарини ундириб олиш хусусидаги қисми қандай ҳужжат деб ҳисобланади?
- a) далолатнома
  - b) хулоса ҳужжати
  - c) ундирилиш қисми
  - d) ижро ҳужжати
11. Белгиланган муддатда ижро этилмаган маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарорнинг мулкий зарарни ундириб олишга оид қисми кимга юборилади?
- a) жиноят ишлари бўйича суд
  - b) ички ишлар органи ходимлари
  - c) МИБ давлат ижрочилари
  - d) ҳудудий прокуратура ходими

## **Амалий масалалар:**

### **1-масала**

Маъмурий жазо қўлланилиши тўғрисидаги қарор устидан апелляция тартибида шикоят берилди.

Ваколатли орган (мансабдор шахс) томонидан ҳуқуқбузардан жарима тўлаш тўғрисидаги қарорнинг ижросини таъминлашни талаб қилди.

**Савол:** Ваколатли орган (мансабдор шахс)нинг ҳаракатларига баҳо беринг.

Жавобингизни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ асослаб беринг.

### **2-масала**

Майда безорилик содир этган фуқаро С.га нисбатан суд томонидан жарима жазоси тайинланди. Маъмурий жазо қўлланилиши тўғрисида устидан қарор чиқарилган фуқаро С. эртаси куни вафот этди. Ваколатли орган (мансабдор шахс) вафот этган ҳуқуқбузар ўрнига унинг яқин қарин дошларидан жарима тўлаш тўғрисидаги қарорнинг ижросини таъминлаш талаб қилинди.

**Савол:** Ваколатли орган (мансабдор шахс)нинг ҳаракатларига баҳо беринг.

Жавобингизни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ асослаб беринг.

### **3-масала**

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат бўйича туман инспекциясининг давлат инспектори томонидан ов қилиш қоидаларини бузгандлик (МЖТК 90-модданинг 1-қисми) учун фуқаро К.га базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваригача миқдорда жарима солиш тўғрисида қарор чиқарилди. Бироқ, инспекторнинг уч ой давомида касал бўлиб қолганлиги, сўнг касаллиги туфайли ишдан бўшаганлиги сабабли, қарор ижрога қаратилмади. Ишга янги келган давлат инспектори ушбу қарорни ижрога қаратиш мақсадида фуқаро К.га жаримани тўлаш кераклигини таъкидлади. Фуқаро К. жаримани тўлашдан бош тортди.

**Савол:** Давлат инспектори ва фуқаро К.нинг ҳаракатларига баҳо беринг.

Жавобингизни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ асослаб беринг.

#### **4-масала**

Йўл ҳаракати қоидаларини бузган ҳайдовчи Ж. томонидан унга нисбатан чиқарилган жарима солиш тўғрисидаги қарор устидан шикоят берилди. Уч кун ичида унинг шикояти қаноатлантирилмаганлиги ҳамда ўттиз кунда жарима тўланиши лозимлиги ҳақида хабар келиб тушди. Ҳайдовчи Ж. қонунда (МЖтК 332-модда) бундай турдаги жарима солиш тўғрисидаги қарорлар чиқарилган кундан эътиборан олтмиш кунда тўланиши кераклиги ёзилгандаги ва унда йигирма олти кун вақти борлигини важ қилди.

**Савол:** Ҳайдовчи Ж. ҳақми?

Жавобингизни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ асослаб беринг.

#### **5-масала**

Тўрт ой аввал майдада безорилик содир этган ва жаримага тортилган фуқаро Х. томонидан қайта майдада безорилик содир этилди.

Фуқаро Х. унга нисбатан МЖтК 332<sup>1</sup>-моддасида назарда тутилган “Жарима солиш тўғрисидаги қарорни ижро этишининг соддалаштирилган тартиби”ни кўллаш учун жарима миқдорининг етмиш фоизини ихтиёрий равишда тўлаш истагини билдириб, ИИО таянч пункти профилактика инспекторидан квитанция беришни сўради. ИИО таянч пункти профилактика инспектори фуқаро Х.нинг илтимосини рад этди.

**Савол:** ИИО таянч пункти профилактика инспектори ва ҳуқуқбузар фуқаро Х.нинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.

Жавобингизни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ асослаб беринг.

#### **6-масала**

Уч йил муддатга транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилган фуқаро Л.нинг меҳнатга ҳалол муносабатда бўлганлиги ва на-мунали хулқ-атвори билан ўзини кўрсатгандаги сабабли автокорхона маъмурияти бундай ҳуқуқдан маҳрум қилиш муддатини қисқартириш юзасидан жиноят ишлари бўйича туман судига илтимос билан мурожаат этди. Жиноят ишлари бўйича туман суди фуқаро Л. илгари ҳам бундай ҳуқуқбузарлик содир этганлигини таъкидлаб, илтимосномани рад этди.

**Савол:** Автокорхона маъмурияти бундай илтимосномани жиноят ишлари бўйича туман судига киритишга ҳақлими?

**Савол:** Жиноят ишлари бўйича туман суди бундай илтимосномани қаноатлаштиришга мажбурми?

Жавобингизни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ асослаб беринг.

### **7-масала**

Мажбурий ижрота қаратилган жарима солиш тўғрисидаги қарор юзасидан давлат ижрочиси томонидан икки ой давомида қарорни юборган орган (мансабдор шахс)га жавоб бермаганлиги сабабли, давлат ижрочиси устидан юқори турган органга шикоят берилди. Давлат ижрочиси жарима солиш тўғрисида қарорнинг ижросини таъминлаганлитини маълум қилди.

**Савол:** Маъмурий жарима солиш тўғрисидаги қарорни юборган орган (мансабдор шахс) шикояти асослами?

Жавобингизни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ асослаб беринг.

### **8-масала**

Майда безорилик содир этган фуқаро Ш.га нисбатан ўн беш сутка муддатга маъмурий қамоқ жазоси тайинланди. Маъмурий жазони ўтаган фуқаро Ш. унинг қамоқда бўлган вактлари учун доимий иш жойида иш ҳақи тўлаб берилишини талаб қилди.

**Савол:** Фуқаро Ш.нинг талаби қонунийми?

Жавобингизни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ асослаб беринг.

### **9-масала**

Ўзганинг мулкини қасдан нобуд қилганлиги (МЖК 61<sup>2</sup>-модда) учун хуқуқбузар М.га жарима солиш тўғрисидаги қарори билан мулкий зарарни ундириб олиш ҳам белгиланди. Хуқуқбузар М.га қарор топширилган кундан бошлаб ўн беш кундан кечиқтирмай мулкий зарар тўланиши лозимлиги айтилди. Бироқ, ўн беш кундан сўнг ҳам хуқуқбузар М. томонидан мулкий зарар тўланмади ва қарорнинг ижроси мажбурий ижро учун давлат ижрочисига юборилди.

**Савол:** Мазкур ҳолатга хуқуқий баҳо беринг.

Жавобингизни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ асослаб беринг.

# **ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН НОРМАТИВ-ХУҚУҚИЙ ХУЖЖАТЛАР ВА ЙОРИДИК АДАБИЁТЛАР**

**Норматив-хуқуқий хужжатлар:**

**Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.** — Т./ <https://lex.uz/docs/35869?otherlang=3>

**Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси.** — Т./ <https://lex.uz/docs/111453>

**Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси.** — Т./ <https://lex.uz/docs/111460>

**Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси.** — Т./ <https://lex.uz/docs/97664>

**Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги 258-II-сон “Суд хужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ти Қонуни/ <https://lex.uz/docs/26477?ONDATE=15.12.2007%2000>**

**Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 28 июлдаги ЎРҚ-703-сон “Судлар тўғрисида”ти Қонуни/<https://lex.uz/docs/5534923>**

**Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 27 декабрдаги 349-I-сон “Адвокатура тўғрисида”ти Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 3 февралдаги ЎРҚ-749-сон Қонуни таҳририда)/ <https://lex.uz/docs/54503>**

**Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 8 январдаги ЎРҚ-457-сон “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ти қонуни/ <https://lex.uz/docs/3492199>**

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ти фармони.**

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 майдаги ПФ-5059-сон “Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти фармони.**

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПФ-5415-сон “Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти фармони.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2833-сон “Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2018 йил 19 майдаги 15-сон “Маъмурий ишларни кўришда биринчи инстанция суди томонидан процескуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” ги қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 январдаги ПҚ-2733-сон “Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 майдаги ПҚ-3016-сон “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” ги қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарори.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 30 ноябрдаги 35-сон “Судлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўришни тартибга солувчи қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” ги қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12 мартдаги ПҚ-4236-сон “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 ноябрдаги ПФ-6118-сон “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги фармони.

### **Юридик адабиётлар:**

**Бахрамов Х. Х., Селиманова С. М. Административная ответственность: обстоятельства, влияющие на назначение наказания // Хуқуқ-Право-Law. -2005. — №3. — С.78-79.**

Карнеги Д. Как завоевать друзей и оказывать влияние на людей / Д. Карнеги; пер. с англ. Л.А.Кузьмина. 8-е изд. — Минск: Попурри, 2015. — С.13.

Маъмурий ишлар бўйича суд ҳужжатлари намуналари [Матн]. — Тошкент: Baktria press, 2018. — 408 б.

Маъмурий ҳуқуқ: Дарслик /Н. Т. Исмоилов, Ў. Х. Мухамедов, А. С. Турсунов ва бошқ.; Ш. Т. Икрамов ва И. А. Хамедов таҳрири остида. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. — 532 б.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш бўйича ҳужжатлар намуналари. Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Н. Йўлдошев таҳрири остида. — Т.: Адолат, 2014. — 272 б.

Маъмурий ишлар бўйича суд ҳужжатлари намуналари [Матн]. — Тошкент: Baktria press, 2018. — 408 б.

Профилактика инспекторларининг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш фаолияти: Маърузалар курси / А. С. Турсунов, К. А. Сайткулов ва бошқ. Масъул муҳаррир Б. А. Матлюбов. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. — 125 б.

Саломов Б. Адвокат ва касбий маҳорат муаммолари //«Адвокат» ижтимоий-ҳуқуқий, илмий-оммабоп журнали, 2019.№1. — Б.10.

Тошлиёзов Н. Адвокат ҳақ, суд ноҳақ эди...//«Адвокат» ижтимоий-ҳуқуқий, илмий-оммабоп журнали, 2018. — №3. — Б.12–20.

Хамедов И. А., Хван Л. Б., Цай И. М. Административное право Республики Узбекистан. Общая часть: Учебник: Ун-т мировой экономики и дипломатии, Ташк. гос. юрид. ин-т. — Ташкент: KONSAUDITINFORM-NASHR, 2012. — 592 с.

Erkin Xojoiyev. Maʼmuriy jarayon (ilmiy-nazariy qarashlar, qonunchilik tahlili, mavjud muammolar, isloh etish yoʻllari). Oʼquv qoʻllanma. –Т.: Adabiyot uchqunlari, 2016. — 276 b.

Oʻzbekiston Respublikasida maʼmuriy javobgarlik: Maʼruzalar kursi / O.X.Muhamedov, N. T. Ismoilov, D. D. Babayev va boshq. — Т.: Oʻzekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2015. — 300 б.

## **МУНДАРИЖА**

КИРИШ .....	3
I бўлим. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР .....	4
II бўлим. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ВА МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК .....	9
III бўлим. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШГА ВАКОЛАТЛИ БЎЛГАН ОРГАНЛАР (МАНСАБДОР ШАХСЛАР) .....	27
IV бўлим. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ ЮРИТИШ .....	33
V бўлим. МАЪМУРИЙ ЖАЗО ҚЎЛЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОРЛАРНИ ИЖРО ЭТИШ .....	45
ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ВА ЮРИДИК АДАБИЁТЛАР .....	52

Рабиев Шерзад Миржалилович, Шакуров Рафик Равильевич

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни  
юритишга оид масалалар тўплами.  
Ўқув-амалий қўлланма.

Муҳаррир: У. Раджабова  
Дизайн ва компьютерда тайёровчи: А. Холматов

Босишига рухсат этилди 30.05.2022 й. Бичими \_\_\_\_\_.  
«Minion Pro» гарнитураси. Офсет босма усулида босилди.  
Босма табоғи \_.  
Адади 100 нусха.

Нашриёт уиي «BAKTRIA PRESS»  
100000, Тошкент, Буюк Ипак Йўли мавзеси, 15-25  
Тел.: +998 (71) 233-23-84  
e-mail: [baktriapress@gmail.com](mailto:baktriapress@gmail.com)

MEGA BASIM МЧЖ босмахонасида чоп этилди  
Baha Is Merkezi, Haramidere, Istanbul, Turkey.  
[www.mega.com.tr](http://www.mega.com.tr).